

Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2022 йил 01 мартдаги 71-сонли  
буйруғига 4-илова

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий  
бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий  
хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни  
қабул қилиш ва кўриб чиқиш  
РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари (*кейинги ўринларда – Соғлиқни сақлаш вазирлиги*)да коррупцияга қарши қурашиб, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Регламент Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарига ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.

3. Мазкур Регламент мақсадларида қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ишонч телефони** – Соғлиқни сақлаш вазирлигига телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим;

**мурожаатчи** – алоқа каналлари орқали Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва (ёки) юридик шахс, ходим;

**манфаатлар тўқнашуви** – шахсий (*бевосита ёки билвосита*) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

**коррупциявий ҳаракатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қофоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳукуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва (ёки) олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалашибдириш учун тўловлар ундириш (*пора олиш*) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**коррупцияга қарши қурашиш тизими** – амалдаги қонунчилик ва ички хужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

**коррупциявий ҳавф-хатар** – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этиш ҳавфи;

**тааллуқли хабар** – Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар;

**ходим** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзи ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий бойликлар, бошқа мол-мулк ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (*шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тиёжорий ёки нотиёжорий манфаатлари*).

4. Ташкилот коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ахборот беришга мўлжалланган алоқа каналарининг ишини қуидаги тамойиллар асосида ташкил этади:

**конфеденциаллик ва хавфсизлик** – алоқа каналаридағи хабарлардан фойдаланишга рухсат берилган Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча ваколатли шахслари ушбу хабарларни ваколатга эга бўлмаган шахсларга бериш (*ошкор қилиши*)га ҳаққи йўқ. Агар мурожаатчи ўз хабарини юборгандиги ҳақида бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, эҳтиётсизлиги натижасида ошкор қилган бўлса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги унинг ошкор бўлишига жавобгар бўлмайди;

**қонунийлик** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги алоқа каналларига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

**мурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги** – алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик шахс, хусусан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходими хабарнинг мазмунидан қатъи назар бирон-бир жавобгарликка тортилмайди;

**мурожаатчи билан мажбурий тартибдаги қайта алоқа** – агар хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мурожаатчига етказилиши лозим;

**таъсир чораларини қўллашнинг мажбурийлиги** – коррупция факти тасдиқланган тақдирда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳаракат қиласи.

## **2-боб. Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари**

5. Тааллуқли хабар қуидаги алоқа каналларидан юборилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (<https://pm.gov.uz/>) орқали;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари (мисол учун ‘Facebook’даги расмий саҳифаси (<https://www.facebook.com/>\_\_\_\_\_)) орқали;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг телеграм боти (@\_\_\_\_\_bot)

Соғлиқни сақлаш вазирлигига оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш; ҳукукни маҳофаза қилувчи органлар орқали; мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги алоқа каналлари тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқдаги саҳифа ҳамда каналларига жойлаштиради, шунингдек, ходимларга даврий равишда юбориладиган электрон хатлар тарқатмаларига ва ўқув материалларига киритади, Соғлиқни сақлаш вазирлиги биносида жойлаштириладиган тематик плакатлар ва ҳоказоларда акс эттиради.

### **3-боб. Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган тааллуқли хабарларни қабул қилиш**

7. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Комплаенс хизмати (*кеинги ўринларда – Комплаенс хизмати*) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг алоқа каналларидан келиб тушган тааллуқли хабарларни кўриб чиқишига масъул ҳисобланади.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўйидаги алоқа каналларидан келиб тушган тааллуқли хабарлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштироқидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади ва **сипориш** учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарига чиқарилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг телефон рақамлари орқали (*ишионч ва бошқа иши телефон рақамлари орқали*);

Соғлиқни сақлаш вазирлигига оғзаки (*шахсан*) мурожаат қилиш; ҳукукни муҳофаза қилувчи органлар орқали.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари ва телеграм боти орқали келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш учун Ички назорат тузилмаси масъул ходими тайинланади.

Бунда, тааллуқли хабар келиб тушганда Комплаенс хизмати масъул ходими мурожаатчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали

боғланиб зарур ахборотни аниқлаштиради, хабарни Реестрда рўйхатга олади ва маълумотни Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарига киритади.

Ички назорат тузилмаси масъул ходими келиб тушадиган хабарларни душанбадан жумагача соат 09:00дан 18:00га қадар таҳлил қиласди. Агар хабар иш вақтидан ташқари пайтда келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунида аниқлаштириш учун сақланади.

10. Агар мурожаатчи ўз хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга, масалан, фотоматериаллар, хужжатлар, аудио ва видеоёзувларга эга бўлса, мурожаатни қабул қилишга масъул ходим уларни тақдим этиш бўйича фойдаланиладиган алоқа каналларини (*телеграм боти ёки электрон почтаси*)ни кўрсатади ва тақдим этиладиган маълумотни конфеденциаллигини билдиради. Мазкур маълумотлар тааллуқли хабарга илова сифатида расмийлаштирилади.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбари тааллуқли хабарни тезкорлик билан таҳлил қилиш ва қўриб чиқиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Комплаенс хизматига топшириқ туширади.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Комплаенс хизмати тааллуқли хабарни олгандан кейин 1 (бир) соат ичидаги уни иловага мувофиқ шаклда Соғлиқни сақлаш вазирлигига коррупцияга оид харакатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрида (кейинги ўринларда – Реестр) рўйхатга олиши ва ушбу Регламентнинг 4-бобига мувофиқ қўриб чиқиши лозим.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги мурожаатчиларга ходим томонидан содир этилган коррупциявий харакатлар тўғрисида аноним хабарлар қолдириш имкониятини беради.

Аноним хабар келиб тушган тақдирда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маъсул ходими имкон қадар қўйидагиларни амалга ошириши лозим:

Соғлиқни сақлаш вазирлигига келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаатчи билан боғлана олмасликлари мумкинлиги ҳақида маълум қилиши;

қўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама ўргана олмасликларини билдириши;

мурожаатчига у билан боғланиш учун аноним алоқа канали ташкил қилишни таклиф қиласди (*шахс кўрсатилмаган электрон почта манзили, Telegramдаги маҳфий чат ва.б.*);

Мурожаатчи ўз аризасидан воз кечмаган тақдирда, мазкур Регламентда назарда тутилган тартибда хабарни қабул қилиши шарт.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари томонидан олинган хабарларни қўриб чиқиш жараёнида коррупциявий ҳукуқбузарликларни содир этишининг сабаб ва шароитлари ҳам таҳлил қилинади ва келгусида уларнинг

олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

**14. Олинган хабарлар бўйича барча тааллуқли материаллар, ҳужжатлар ва маълумотлар (*шу жумладан, қабул қилинган қарорлар ва мурожаатчиларга юборилган жавоблар*) Мурожаатлар билан ишлаш тузилмасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган муддатга, шу билан бирга 10 йилдан кам бўлмаган муддатга сақланиши керак.**

15. Тааллуқли хабар ташкилотнинг худудий ва таркибий бўлинмаларга келиб тушган тақдирда, уни қабул қилган масъул ходимлар зудлик билан ёзма шаклда худудий (*таркибий*) бўлинма раҳбари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулни (*мавжуд бўлса*) келиб тушган хабар тўғрисида хабардор қиласи, улар ўз навбатида ушбу хабарни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппаратидаги Комплаенс хизматига юборади. Комплаенс хизмати олинган хабарни 11-бобида баён этилган тартибга мувофиқ кўриб чиқади.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг худудий ва таркибий бўлинмалари ўзларининг Реестрини юритади.

#### **4-боб. Коррупциявий ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиши**

17. Ички назорат тузилмасига келиб тушган барча тааллуқли хабарлар ушбу тузилманинг масъул ходимлари ёки Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбари топшириғига асосан бошқа бўлинмалар томонидан кўриб чиқлади.

18. Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш жараёнига, ҳаракатлари устидан тааллуқли хабар келиб тушган ёки кўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман этилади.

19. Тааллуқли хабар келиб тушганда Комплаенс хизмати ходими дастлабки текшириш ўтказиб, унинг тааллуқлилигини таҳлил қиласи, яъни хабарда кўрсатилган маълумотнинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимига тааллуқли коррупцияга оид хуқуқбузарликка ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига тегишлилигини текширади.

**Дастлабки текшириш тааллуқли хабар Комплаенс хизматига келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida амалга оширилади.**

20. Мазкур Регламентнинг 19-бандида назарда тутилган дастлабки текшириш натижаларидан қатъий назар, бу ҳақдаги ахборот Реестрга киритилади.

21. Агар Комплаенс хизмати ходими хабар тааллуқли эмас деган хуносага келса, бу хабар бир иш куни ичида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли тузилмасига билдириги асосида ўтказилиши лозим.

22. Агар хабарда коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувини ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, Комплаенс хизмати ходими ички идоравий хужжатда белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

23. Тааллуқли хабарларни мазмунан кўриб чиқиши Соғлиқни сақлаш вазирлигига келиб тушган кундан эътиборан бир ой ичида, текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиши муддатлари, ташкилотнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоги билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.

24. Мурожаатга жавоб Комплаенс хизмати томонидан тайёрланиб, ташкилот раҳбари имзоси билан расмийлаштирилади.

25. Тааллуқли хабарларни кўриб чиқиши яқунларига кўра ўрганиш натижалари ва қўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати тайёрланади ва белгиланган тартибда мурожаатчига юборилади.

26. Ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ва телеграм-бот орқали келиб тушган тааллуқли хабарга жавоб мурожаатчига электрон шаклда ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ёки телеграм-бот орқали юборилади.

## **5-боб. Ҳисобдорлик**

27. Реестрдан Комплаенс хизмати ходимлари, хабарларни кўриб чиқишида иштирок этган тегишли бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ходимлари (*фақат шундай хабарларга доир*), Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбари ёки раҳбарнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишини назорат қилувчи ўринбосари фойдаланиши мумкин.

28. Реестр маълумотлари асосида Комплаенс хизмати ҳар чоракда Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарига қабул қилинган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларга тааллуқли бўлган ҳисоботни тақдим этади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

келиб тушган тааллуқли хабарлар ва кўриб чиқилган тааллуқли хабарлар сони;

коррупциявий ҳаракатлар, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тасдиқланган тааллуқли хабарлар сони;

кўриб чиқиши муддатлари бузилган тааллуқли хабарлар сони;  
тааллуқли хабарларни кўриб чиқишининг ўртача муддати;  
мурожаатчилар томонидан энг кўп фойдаланиладиган алоқа каналлари  
ва бошқа статистик маълумотлар.

### **6-боб. Якуний қоида**

29. Мазкур Регламент талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

30. Мазкур Регламент, мурожаатлар ва коррупцияга қарши қурашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши лозим.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламентига илова

## **Соғлиқни сақлаш вазирлигіда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидағи хабарларни қабул қилиш РЕЕСТРИ**